

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Электроника ва автоматика” факультети**

**“Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш”  
кафедраси**

# **РЕФЕРАТ**

**Мавзу:**

**АТТЕСТАТЛАШНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

Бажарди: Приматов А. 109-12

Қабул қилди: Миралиева А.Қ.

**Тошкент 2014**

Синов ускунасини аттестатлашни, унинг қўлланиш соқасига боғлиқ ҳолда, давлат метрологик қизмат идоралари, юридик шахслар метрологик қизматлари ёки синов ускунасини аттестатлаш техникавий компетентликка аккредитланган юридик шахслар ўтказди.

Изоҳ – Техникавий компетентликни ва синов ускунасини аттестатлаш бўйича аккредитацияни бақолаш тартибини «Сезстандарт» Агентлиги сёрнатади.

### **Дастлабки аттестатлаш**

Ҳавфсизлик талаблари, гигиеник ёки махсус талабларга мувофиқлик бўйича синалиши лозим бўлган синов ускунасининг дастлабки аттестатлаш тегишли синовлар ўтказилишидан сўнг ўтказилади.

О‘з DSt 8.002 га мувофиқ ҳолда давлат метрологик текшируви ва назоратини жорий қилиш соқасида фойдаланиладиган синов ускунасининг дастлабки аттестатлаш қуйидаги тартибда ўтказилади:

Аттестатлашни ўтказишга манфаатдор бўлган юридик шахс (кейинчалик Буюртмачи) синов ускунасини аттестатлаш ҳуқуқига эга юридик шахс (кейинчалик Бажарувчи) га сўровнома беради.

Сўровномада қуйидагилар кўрсатилади:

- сўровчи (Буюртмачи) нинг номланиши ва реквизитлари;
- синов ускунасини ишлаб чиқарувчи (импорт қилувчи) нинг номланиши ва реквизитлари;
- синов ускунасининг номланиши ва белгиланиши, унинг завод ва (ёки) инвентарь рақами;
- бақоланиши лозим бўлган тавсифномалар рўйхати;
- уларга мувофиқлиги бўйича синов ускунасини аттестатлаш ўтказилиши керак бўладиган мумкин бўлган тавсифномалар қийматлари, ёки ушбу қийматларни ўз ичига олган меъёрий ҳужжатга қилинган ҳавола.
- сўровномага илова қилинган меъёрий ва техник ҳужжатларнинг рўйхати;
- синов ускунасини аттестатлаш билан боғлиқ харажатларни тўлаш кафолатли мажбурияти.

Бажарувчи беш кунлик муддат ичида сўровномани кўриб чиқади ва аттестатлашни сўтказишга унинг ўзи рози бўлган ҳолда Буюртмачи билан тегишли битим (шартнома) тузади.

Буюртмачи аттестатланаётган синов ускунасига қаршиликсиз ижозатни, шунингдек аттестатланаётган синов ускунаси мукаммал ишлаши учун керакли босилган ёрдамчи ва техник воситаларни Бажарувчига таъдим этади.

Буюртмачи Бажарувчига қуйидаги хужжатларни таъдим этади:

- ишлаб чиқаришга техникавий топшириқ ёки синов ускунасига қўйиладиган бошланғич талабларни ўз ичига олган бошқа хужжат;

- ГОСТ 2.601 бўйича фойдаланиш хужжатлари, импорт қилинган ускуна учун эса – асл нусха тилидаги ҳамда давлат ва (ёки) рус тилига таржима қилинган ишлаб чиқарувчи фирманинг фойдаланиш хужжатлари;

- синов ускунасини дастлабки аттестатлаш дастури ва усулияти;

- синов ускунасини даврий аттестатлаш усулиятининг лойиҳаси, агар бундай усулият фойдаланиш хужжатларида келтирилмаган бўлса;

- аттестатлашда таъдим этиладиган хужжатлар комплектининг метрологик экспертизаси натижалари бўйича эксперт хулоса.

Бажарувчи битимда олдиндан айтиб оетилган муддат ичида керакли экспериментал тадқиқотларни ўтказди, В илова шакли бўйича синовлар баённомаларини ҳамда С илова шакли бўйича аттестатлаш далолатномасини расмийлаштиради.

Аттестатлаш ижобий натижалар берганда Бажарувчи синов ускунасини аттестатлаш сертификатини D илова шакли бўйича расмийлаштиради ва берилган сертификатни журналда E илова шакли бўйича рўйхатга олади.

Аттестатлаш салбий натижалар берганда Сўровчига F илова шакли бўйича синов ускунасининг яроқсизлиги тўғрисидаги Хабарнома берилади.

Давлат метрологик текшируви ва назоратини жорий қилиш соҳасидан ташқари фойдаланиладиган синов ускунасини дастлабки аттестатлаш ушбу ускунадан фойдаланаётган юридик шахс раҳбарияти томонидан ўрнатилган тартибда оетказилади.

Агар синов ускунаси мазкур стандартнинг талаблари тасдиқланишидан олдин амалга жорий этилган бўлса, у дастлабки аттестатланиши лозим эмас, 4.9 бўйича ускуна бундан истисно.

Дастлабки аттестатлаш объекти бўлиб синовлар шароитлари қайтарилувчанлигининг меъёрланган техник тавсифлари билан муайян синов ускунаси, мавжуд босилганда эса, ахборот таъминоти

ҳам ҳисобланади, масалан, синовлар натижаларини ЭҲМ да ишланилишининг дастурий таъминоти.

Дастлабки аттестатлашда аниқланиши ёки текширилиши лозим бўлган синов ускунасининг техник тавсифномалари техник хужжатларда белгиланган ҳамда сёрнатилган вақт оралиғи мобайнида мумкин бўлган оғишлар билан берилган диапазонларда синовлар шароитларини қайтарилувчанлиги имкониятини аниқлайдиган меъёрланган техник тавсифномалар қаторидан танлаб олинган.

Синов ускунасини дастлабки аттестатлашни синов ускунасининг аниқ турини аттестатлаш усулиятлари бўйича амалдаги меъёрий хужжатларга мувофиқ ҳолда ва (ёки) муайян ускунани аттестатлаш дастурлари ҳамда усулиятлари бўйича сётказишади.

1 Синов ускунасини аттестатлаш дастури ушбу ускуна амалдаги меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш учун етарли ва керакли бўлган тавсифномалар номенклатурасини ўрнатиши лозим.

2 Дастлабки аттестатлаш усулияти аттестатлаш дастури томонидан ўрнатилган ускунанинг меъёрланган тавсифномаларини аниқлаш процедуралари ва тартибини, шунингдек аттестатлаш воситаларига қўйиладиган талабларни регламентлаштириши керак.

3 Дастлабки аттестатлаш дастури ва усулияти ягона хужжат кўринишида ишлаб чиқилиши ва метрологик экспертиза натижалари асосида Бажарувчи томонидан тасдиқланиши мумкин.

4 Синов ускунасини дастлабки аттестатлаш усулияти амал қилиш муддати бўйича чеклашларга эга эмас, ҳамда агар у аттестатланаётган синов ускунасига қўйилган аниқлик ва қайтарилувчанлик бўйича талабларга жавоб берса, ишлатишга киритиш муддатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда у айнан ўхшаш вазифани бажарувчи бир турдаги синов ускунасини аттестатлаш учун кейинчалик қўлланилиши мумкин.

5 Синов ускунасини аттестатлаш усулиятларини тузилиши, мазмуни ва баён этилиши бўйича тавсияномалар Г иловада келтирилган.

Синов ускунасини дастлабки аттестатлаш қуйидагилардан иборатдир:

- синов ускунаси бўйича меъёрий ва техник хужжатлар ҳамда кўрсатилган ускунани ўрнатиш, монтаж қилиш ва аниқ мақсадлар учун қўллашни регламентлаштирувчи хужжатлар экспертизаси;

- унинг техник тавсифларини экспериментал аниқлаш;

- синов ускунасини аниқ мақсадлар учун ишлатиш яроғлигини тасдиқлаш.

Қуйида ёзиб ўтилган хужжатларнинг метрологик экспертизасини давлат метрологик хизмати идоралари ёки O'z DSt 16.5 га мувофиқ ҳолда шундай турдаги экспертизаларни ўтказиш техник компетенликка аккредитланган юридик (жисмоний) шахслар ўтказади.

Дастлабки аттестатлаш жараёнида, экспериментал тадқиқотлар асосида қуйидагилар белгиланади:

- ускунанинг меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқлиги;

- меъёрланган техник тавсифномаларнинг аниқ қийматлари ва уларнинг маҳсулотни синаш усулиятлари бўйича меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқлиги;

- ходимлар хавфсизлигини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат қўмитаси (Двтабиатқўм) томонидан оғнатилган меъёрлар чегарасида атроф муҳитга таъсир кўрсатиш;

- ускунани қайта аттестатлашда текшириладиган синов ускунаси тавсифномаларининг рўйхати;

- даврий аттестатлашни ўтказиш усулиятлари ҳамда воситалари;

- қайта аттестатлашни ўтказиш даврийлиги.

Дастлабки аттестатлаш экспериментал тадқиқотларининг натижалари тегишли баённомалар кўринишида, уларнинг умумлаштирилган хулосалари эса синов ускунасини дастлабки аттестатлаш сертификатини расмийлаштириш учун асос бўлиб қисобланувчи далолатнома кўринишида расмийлаштирилади.

Синов ускунасини аттестатлашнинг салбий натижалари тегишли баённомалар ҳамда далолатномада акс эттирилади ва F иловага мувофиқ ҳолда синовларда фойдаланиш учун унинг яроқсизлиги тўғрисидаги хабарномани беришга асос бўлиб ҳисобланади.

### **Такрорий аттестатлаш**

Синов ускунасини такрорий аттестатлаш даврий, инспекцион ва эксперт аттестатлаш кўринишида ўтказилади.

Синов ускунасини даврий аттестатлаш.

Синов ускунасидан фойдаланиш жараёнида уни даврий аттестатлаш синов ускунаси тавсифномаларининг синаш усулиятлари бўйича меъёрий хужжатлар талабларига ҳамда ускуна бўйича

фойдаланиш хужжатлари талабларига мувофиқлигини ва ушбу ускуна кейинчалик ишлатиш учун яроқлилигини тасдиқлаш учун керакли бўлган ҳажмда ўтказилади.

Синов ускунасининг текширилаётган тавсифномалари номенклатураси ҳамда уни даврий аттестатлашдаги операциялар ҳажми ускунанинг меъёрланган техник тавсифлари ва муайян мақсулотни синашда аниқланадиган параметрлардан келиб чиққан ҳолда ускунани дастлабки аттестатлашда сёрнатилади.

Синов ускунасининг қўлланиш доирасига боғлиқ бўлмаган ҳолда уни даврий аттестатлаш синов ускунасини қўллайдиган юридик шахслар метрологик хизматлари томонидан ташкиллаштирилади.

Давлат метрологик текшируви ва назоратини жорий қилиш соҳасида фойдаланиладиган синов ускунасини даврий аттестатлаш давлат метрологик хизмати идоралари ёки «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан шу турдаги ишларни бажариш техник компетентлиликка аккредитланган юридик шахслар томонидан сўтказилади, бу соҳадан ташқари эса - синов ускунасини қўллайдиган юридик шахслар метрологик хизматлари томонидан сўтказилади.

Агар дастлабки аттестатлашдан сўтган синов ускунасидан фойдаланувчи такрорий аттестатлашни сўтказа оладиган ўзининг метрологик хизматига эга бўлмаса, бундай аттестатлаш давлат метрологик хизмати идоралари ёки «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан шу турдаги ишларни бажариш техник компетентлиликка аккредитланган юридик шахслар томонидан сўтказилиши мумкин.

Даврий аттестатлаш дастлабки аттестатлашни ўтказаётган юридик шахс томонидан уни ўтказиш жараёнида ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши мумкин бўлган мувофиқ усулият бўйича ўтказилади. Синов ускунасини аттестатлаш усулиятларини тузилиши, мазмуни ва баён этилиши бўйича тавсияномалар G иловада келтирилган.

Синов ускунасини даврий аттестатлаш натижалари H илова шакли бўйича баённома кўринишида расмийлаштирилади.

Даврий аттестатлаш ижобий натижалар берганда J илова шакли бўйича даврий аттестатлаш тўғрисидаги сертификат расмийлаштирилади, натижалар салбий бўлганда эса – F илова шакли бўйича яроқсизлик тўғрисидаги хабарнома расмийлаштирилади.

Синов ускунасини инспекцион аттестатлаш.

Синов ускунасини инспекцион аттестатлаш, керак бўлганда, бундай ускунадан фойдаланувчи синов ташкилотининг фаолияти устидан инспекцион текширув ва назорат идоралари томонидан ўтказилади.

Инспекцион аттестатлаш ҳажми ва уни бажариш муддатлари «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан сёрнатилган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда инспекцион текширув идораси томонидан аниқланади.

Синов ускунасини инспекцион аттестатлаш юридик шахс вакили, синов ускунасидан фойдаланувчи ва аттестатлашни ўтказган юридик шахс иштирокида сўтказилади.

Инспекцион аттестатлаш натижалари Н илова шакли бўйича баённомага киритилади ва J ёки F иловаларига мувофиқ ҳолда расмийлаштирилади.

Синов ускунасини эксперт аттестатлаш.

Синов ускунасини эксперт аттестатлаш синов ускунасининг техник тавсифномалари баҳоланишлари ёки бундай ускунасининг қўлланишга ярошлилиги баҳоланиши қийматлари бўйича мунозарали масалалар пайдо бўлганда сўтказилади.

Синов ускунасини эксперт аттестатлаш суд, прокуратура, давлат арбитражи, ижро этувчи ҳокимият идораларининг талаби, шунингдек юридик шахсининг ёзма аризаси бўйича сўтказилади.

Эксперт аттестатлаш давлат метрологик хизмати идоралари ёки «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан шу турдаги ишларни бажариш техник компетентлилигига аккредитланган юридик шахслар томонидан сўтказилади.

Синов ускунасини эксперт аттестатлаш амалга оширилаётганда сўровчи, шунингдек манфаатдор тарафлар вакиллари иштирок этиши мумкин.

Синов ускунасини эксперт аттестатлаш натижалари бўйича эксперт аттестатлашни ўтказган идора раҳбар томонидан тасдиланадиган хулоса чиқарилади, унинг бир нусхаси сўровчига юборилади, иккинчиси эса аттестатлашни сўтказган идорада сақланиб қолади. Тергов ёки суд идораларининг талаблари бўйича ўтказиладиган синов ускунасини эксперт аттестатлашда, эксперт аттестатлаш натижалари ушбу идоралар талабларига мувофиқ ҳолда расмийлаштирилади.

Суд, прокуратура, давлат арбитражи, ижро этувчи ҳокимият идораларининг талаби (аризаси) бўйича синов ускунасини эксперт аттестатлаш ўтказилаётганда, бундай иш ўтказилишига тўсалайдиган

тарафни шу иш ўтказилишини талаб қилган (ўтказилишига ариза берган) идора аниқлайди.

Юридик ёки жисмоний шахс аризаси бўйича ўтказиладиган эксперт аттестатлаш бўйича ишларга тўлаш сўровчи томонидан амалга оширилади.

#### Адабиётлар

1. Исмагуллаев П.Р., Аъзамов А.А., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти.
2. Исмагуллаев П.Р., Қодирова Ш.А. - “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш”. Ўқув қўлланма. Тошкент. ТДТУ., 2007.
3. Абдуллаев А.А. и др. Основы стандартизации, метрологии и управление качеством. Ташкент “Ўзстандарт”, 2005.
4. Абдуллаев А.А. и др. Основы обеспечения единства измерений. – Ташкент: «Ўзстандарт», 2005.
5. Исмагуллаев П.Р., Абдуллаев А.Х., Қодирова Ш.А. ва бошқалар., Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Маърузалар матни. Тошкент. ТДТУ., 2005.
6. Абдуллаев А.Х., Қодирова Ш.А., Аъзамов А.А. “Метрология, стандартизация и сертификация”. Учебное пособие. Ташкент. ТГТУ., 2003.
7. Исмагуллаев П.Р., Қодирова Ш.А. “Метрология асослари”. Ўқув қўлланма. Тафаккур. 2012.
8. <http://www.rsl.ru/>;
9. <http://www.msu.ru/>;
10. <http://www.nlr.ru/>;